

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА
БЕРУВЧИ PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

РАСУЛЖОНОВ АБДУРАХМОН РАВШАНБЕК ЎҒЛИ

**ОСМА ПЛУГЛАРНИНГ ҲАЙДАШ ЧУҚУРЛИГИНИ
БАРҚАРОРЛАШТИРАДИГАН ОСИШ ҚУРИЛМАСИ ВА ТАЯНЧ
ҒИЛДИРАГИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Расулжонов Абдурахмон Равшанбек ўғли

Осма плугларнинг ҳайдаш чуқурлигини барқарорлаштирадиган осиш
қурилмаси ва таянч ғилдирагининг параметрларини асослаш..... 3

Расулжонов Абдурахмон Равшанбек угли

Обоснование параметров опорного колеса и навесного устройства
навесных плугов для обеспечения равномерности глубины вспашки..... 19

Rasuljonov Abdurakhmon Ravshanbek ugli

Justification of the parameters of the support wheel and the attachment
device of mounted ploughs to ensure uniformity of the ploughing depth..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 39

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА
БЕРУВЧИ PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

РАСУЛЖОНОВ АБДУРАХМОН РАВШАНБЕК ЎҒЛИ

**ОСМА ПЛУГЛАРНИНГ ҲАЙДАШ ЧУҚУРЛИГИНИ
БАРҚАРОРЛАШТИРАДИГАН ОСИШ ҚУРИЛМАСИ ВА ТАЯНЧ
ҒИЛДИРАГИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/T2130 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.uzmei.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тўхтақўзиев Абдусалим
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Имомкулов Қутбиддин Боқижонович
техника фанлари доктори, профессор

Худояров Анваржон Назиржонович
техника фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

“ВМКВ-Agromash” АЖ

Диссертация ҳимояси Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даража берувчи PhD.05/13.05.2020.T.112.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «4» Феврал соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбахор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz.)

Диссертация билан Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (455 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбахор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+99870) 601-07-04.)

Диссертация автореферати 2022 йил «20» Январ кун тарқатилди.
(2022 йил «20» Январ даги 19 рақамли реестр баённомаси).



М.Т.Ташболтаев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор

А.А.Ибрагимов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари доктори, катта илмий ходим

К.К.Нуриев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қишлоқ хўжалик экинлари етиштириладиган ерларга ишлов берадиган энергия-ресурстежамкор, иш унуми юқори бўлган машиналарни ишлаб чиқариш ва қўллаш етакчи ўринни эгаллайди. «Ҳозирда дунё бўйича қишлоқ хўжалиги экинларни етиштириш учун ҳар йили 1,8 млрд. га майдонга ишлов берилиши»¹ ни ҳисобга олсак, бу тадбирда қўлланиладиган энергия-ресурстежамкор ҳамда иш сифати ва унуми юқори бўлган машиналарни яратиш катта аҳамиятга эга. Бу йўналишда хорижий мамлакатларда, жумладан АҚШ, Россия Федерацияси, Англия, Франция, Германия ва Хитойда маълум натижаларга эришилиб, ҳайдаш чуқурлиги барқарор бўлган плугларни ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда ерларга асосий ишлов беришнинг ресурстежамкор технологиялари ва уларни амалга оширадиган техника воситаларини ишлаб чиқиш бўйича мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан ушбу йўналишда кам энергия сарфлаган ҳолда тупроққа асосий ишлов беришни сифатли амалга оширадиган ҳамда белгиланган чуқурликда барқарор ҳаракатланадиган машиналарни ишлаб чиқиш ва улар иш органларининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашишида ресурстежамкорликни таъминлайдиган параметрларини асослашга доир илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб масалалардан ҳисобланмоқда.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб ислохотлар, чуқур таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил олишнинг истиқболли агротехнологияларини яратиш, уларни модернизация қилиш, ресурсларни тежаш, тупроқ унумдорлигини сақлайдиган ва иш унимини оширадиган техника воситаларини жорий қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишига доир Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш учун суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигини барқарор ҳамда самарали ривожлантиришни таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, зарурий қишлоқ хўжалиги техникалари билан жиҳозлаш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларидан кенг фойдаланиш»² вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда ҳайдаш чуқурлиги барқарорлаштирилган осма плугларни ишлаб чиқиш ҳисобига ерларга сифатли ишлов бериш катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини

¹ http://evdemosfera.narod.ru/issl/issl/ek_zemlia.html

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2020 йил 11 майдаги ПҚ-4709-сон «Республика хуудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устивор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тупроққа асосий ишлов беришда қўлланиладиган машиналарни яратиш ва қўллаш, уларнинг рационал параметрларини асослаш ва иш кўрсаткичларини ошириш, шунингдек плугларнинг ҳайдаш чуқурлиги бўйича барқарор юришини таъминлаш бўйича хорижда В.В.Бледных, Б.В.Мушкатина, П.Н. Бурченко, М.Л.Гусяцкий, Э.В.Долматов, Л.Х.Ким, А.Б.Лурье, А.И.Любимов, П.Е.Никифоров, И.П.Макаров, И.Ф.Сергеев, А.А.Вильде ва бошқалар томонидан тадқиқотлар ўтказилган.

Ушбу йўналишда республикамизда А.Тўхтақўзиев, Ф.М.Маматов, В.Н.Жидовинов, К.Исаев, Н.Муродов, Ҳ.А.Равшанов, А.Ҳамрақулов, И.Г.Хайдаров, М.Т.Мансуров, Б.Ш.Ғайбуллаев, Р.Махмудов ва бошқа олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Бу тадқиқотларнинг натижалари маълум даражада амалиётда қўлланилмоқда. Лекин уларда осма плугларнинг белгиланган чуқурликка ботиши ва шу чуқурликда барқарор юришига тупроқ физик-механик хоссаларининг ўзгарувчанлиги ҳамда агрегат ҳаракат тезлигининг салбий таъсирини камайтириш масалалари етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХФ-2-001 «Тупроққа ишлов бериш машиналарининг ишлаш чуқурлиги барқарорлигини таъминлашнинг илмий асослари» (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади осма плугларнинг ҳайдаш чуқурлиги бўйича барқарор юришини таъминлаш йўли билан ерларга ишлов бериш сифатини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

осма плугларнинг белгиланган ҳайдаш чуқурлигига ботиши ва шу чуқурликда барқарор ҳаракатланишини ифодаловчи математик моделлар ва аналитик боғланишларни олиш;

осма плугларнинг ҳайдаш чуқурлиги ва унинг барқарорлигини тупроқнинг физик-механик хоссалари ҳамда агрегат ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятларини назарий ифодаловчи математик моделлар ва аналитик боғланишларни келтириб чиқариш;

осма плугларнинг белгиланган ҳайдаш чуқурлигига ботиши ва шу чуқурликда барқарор ҳаракатланиши ҳамда уларга тупроқнинг физик-механик хоссалари ҳамда агрегат ҳаракат тезлигининг таъсирини камайтиришга доир илмий-техник ечимларни ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган илмий-техник ечимларни синаб кўриш ва осма плуг осиш қурилмаси ва таянч ғилдирагининг параметрларини мақбуллаштириш; ҳайдаш чуқурлиги барқарорлаштирилган осма плугнинг дала синовлари натижаларининг агротехника талабларига мослигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти тупроқнинг физик-механик хоссалари, осма плуг, унинг осиш қурилмаси ва таянч ғилдираги.

Тадқиқотнинг предмети осма плугларнинг ҳайдаш чуқурлиги ва унинг барқарорлигини ифодаловчи математик моделлар ва аналитик ифодалар, бу кўрсаткичларга тупроқнинг физик-механик хоссалари ва агрегат ҳаракат тезлигининг таъсирини камайтиришга доир илмий-техник ечимлар, осма плуг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларини унинг осиш қурилмаси ва таянч ғилдирагининг параметрлари ҳамда агрегат ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида олий математика ва назарий механика фанлари, экспериментларни математик режалаштириш ҳамда тензометрия усуллари ва мавжуд меъёрий ҳужжатларда (ГОСТ 20915-11, О'зDSt 3355.2018, О'зDSt 3193.2017, УзРД 63.03-98, ГОСТ 53056-2008) келтирилган усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

3-4 синфдаги ғилдиракли ҳайдов тракторлари билан агрегатланадиган осиш қурилмаси ва таянч ғилдирагининг параметрлари ҳамда рамада жойлашиш ҳолатини кенг ораликда ўзгартириш имкониятига эга осма плугнинг конструктив схемаси ишлаб чиқилган;

плуг осиш қурилмасининг параметрлари унинг белгиланган ҳайдаш чуқурлигига ботиши ва шу чуқурликда барқарор ҳаракатланиши ҳамда уларга тупроқнинг физик-механик хоссалари ва агрегат ҳаракат тезлигининг салбий таъсири камайрилиши ҳисобга олинган ҳолда асосланган;

плуг таянч ғилдирагининг параметрлари ва рамада жойлашиш ўрни унинг тупроққа ботиш чуқурлиги ҳайдов чуқурлигининг мавжуд агротехника талабларида белгиланган четланишидан кичик бўлиши лозимлигини ҳисобга олинган ҳолда асосланган;

плуг таянч ғилдирагининг диаметри ва тўғинининг кенглиги ҳамда агрегат ҳаракат тезлиги уларнинг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларига таъсирини баҳоловчи регрессия тенгламаларини биргаликда ечиш орқали аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мавжуд плугларга нисбатан ҳайдаш чуқурлиги бўйича барқарор

ҳаракатланадиган осма плуг ишлаб чиқилган;

ҳайдаш чуқурлиги барқарорлаштирилган осма плуг фермер хўжаликларида қўлланилганда унинг белгиланган чуқурликка ботиши ҳамда четланиши агротехника талаблар даражасида бўлиши экинлар ҳосилдорлигини ошириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларини ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг амалиётда кенг қўлланиб келинаётган самарали усуллар ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, ҳайдаш чуқурлиги барқарорлаштирилган осма плугнинг параметрларини назарий жиҳатдан асослашда олий математика, назарий механиканинг асосий қонун ва қоидаларига амал қилинганлиги, тажрибалар натижаларига математик статистика усуллари билан ишлов берилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро мослиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган ҳайдаш чуқурлиги барқарорлаштирилган осма плуг дала синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти осма плугларнинг ҳайдаш чуқурлиги бўйича барқарор ҳаракатланиши ва унга тупроқ физик-механик хоссалари ва агрегат ҳаракат тезлигининг таъсирини ифодаловчи математик моделлар ва аналитик боғланишлар олинганлиги, улардан бошқа тупроққа ишлов бериш машиналарини тадқиқ этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Олинган натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган ҳайдаш чуқурлиги барқарорлаштирилган осма плуг қўлланилганда ҳосилдорликнинг ошириши ва иш сифатининг яхшиланишига эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Осма плугларнинг ҳайдаш чуқурлигини барқарорлаштирадиган осма плугнинг қурилмаси ва таянч филдирагининг параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

ишлаб чиқилган ҳайдаш чуқурлиги барқарорлаштирилган осма плугнинг тажриба нусхаси Тошкент вилоятининг Янгийўл тумани «MALIKA AGRO TRADE» фермер хўжалигига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 11 августдаги 02/023-3282-сон маълумотномаси). Натижада ушбу плугдан фойдаланилганда, ҳайдаш чуқурлиги 35,3 см ва унинг ўртача квадратик четланиши $\pm 1,28$ см, камраш кенлиги 132,9 см ва ўртача квадратик четланиши $\pm 5,32$ см бўлган.

ишлаб чиқилган ҳайдаш чуқурлиги барқарорлаштирилган осма плуг Тошкент вилоятининг Янгийўл тумани «Agro Bioholding» МЧЖ га жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 11 августдаги 02/023-3282-сон маълумотномаси). Натижада ушбу плуг белгиланган технологик жараёни ишончли ва сифатли бажарди ва ҳамда унинг иш кўрсаткичлари агротехника талабларига тўлиқ жавоб берган. Шунингдек ушбу плуг ерларни шудгорлашда кенг фойдаланишга тавсия этилган.

ишлаб чиқилган ҳайдаш чуқурлиги барқарорлаштирилган осма плугнинг sanoat нусхаларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш учун лойиҳа-конструкторлик

хужжатлари (техникавий шартлар ва чизмалар) «ВМКВ-Agromash» АЖ да лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 11 августдаги 02/023-3282-сон маълумотномаси). Натижада асосланган параметрларга эга ҳайдаш чуқурлиги барқарорлаштирилган осма плугни саноат усулида ишлаб чиқариш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Масаланинг қўйилиши. Тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари»** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистонда тупроққа асосий ишлов бериш усуллари ва техника воситалари тўғрисида умумий маълумотлар, осма плуглар ва уларга қўйиладиган агротехника талаблари, Ўзбекистонда ва хорижда плугларнинг ҳайдаш чуқурлиги барқарорлигини таъминлаш бўйича бажарилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил этилган ва улар асосида тадқиқотнинг вазифалари шакллантирилган.

Ўзбекистонда ва ривожланган хорижий мамлакатларда олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида осма плуглар томонидан белгиланган ҳайдаш чуқурлиги ва унинг барқарорлигини таъминлаш, бу кўрсаткичларга тупроқнинг физик-механик хоссалари ҳамда агрегат ҳаракат тезлигининг салбий тасирини камайтириш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертациянинг **«Шудгорлаш даврида тупроқнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш»** деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон худудларидаги тупроқларнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш бўйича илгари олиб борилган тадқиқотлар таҳлил этилган ҳамда буғдой, ғўза ҳамда такрорий экинлардан бўшаган далаларни шудгорлашдан олдин тупроқнинг физик-механик хоссаларини ўрганилган.

Бунда буғдой, ғўза ва такрорий экинлардан бўшаган далаларни шудгорлаш даврида 0-40 см қатламдаги тупроқ намлиги 6,91-22,49 %, қаттиқлиги 0,73-4,63 МПа ва зичлиги 0,97-1,75 g/cm³ ни ташкил этиши аниқланди.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, тупроқнинг физик-механик хоссалари унинг механик ва химик таркиби ўзгарувчан бўлганлиги, суғоришни нотекис ўтказилганлиги ҳамда дала юзасидаги турли нотекисликлар мавжудлиги учун кенг ораликларда ўзгаради. Бу ўзгаришларни ҳайдаш чуқурлиги ва унинг барқарорлигига салбий таъсир даражасини камайтиришга доир илмий-техник ечимларни ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Диссертациянинг «Осма плугларнинг ҳайдаш чуқурлиги бўйича барқарор юришини назарий тадқиқ этиш» деб номланган учинчи бобида осма плугларни белгиланган ишлаш чуқурлигига ботиши ва шу чуқурликда барқарор ҳаракатланиши ҳамда уларга тупроқ физик-механик хоссалари ва агрегат ҳаракат тезлигининг салбий таъсирларини камайтиришга доир назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган.


Адабиётлардан маълумки, осма плуг белгиланган чуқурликка ботиб ишлаши ва шу чуқурликда барқарор (бир текис) юриши учун қуйидаги шартлар бажарилиши лозим:

$$Q_Z > 0, \quad (1) \quad Q_Z = Q_M, \quad (2)$$

бунда Q_Z – плугнинг таянч ғилдираги томонидан тупроққа бериладиган тик босим кучи; Q_M – плугнинг таянч ғилдираги томонидан тупроққа бериладиган тик босим кучининг ишлов бериш (ҳайдаш) чуқурлиги барқарор бўлишини таъминловчи мақбул қиймати.

1-расмда келтирилган схемадан фойдаланиб, плугнинг таянч ғилдираги томонидан тупроққа бериладиган тик босим кучини аниқлаймиз:

$$Q_Z = \left\{ n \left[m_k g + (k + \varepsilon V^2) b_k \operatorname{tg} \psi_{xz} \right] \times \right. \\ \times \frac{H_2 \sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} \left[\sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - X_B \right]}{(H_2 - Z_B) \sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - (H_3 + h - H_1) X_B} - \\ \left. - \frac{7}{6} (k + \varepsilon V^2) n b_k h \frac{H_2 (H_3 + h - H_1) \left[\sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - X_B \right]}{(H_2 - Z_B) \sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - (H_3 + h - H_1) X_B} + \right. \\ \left. + n \left\{ m_k g \left(e + \frac{n-1}{2} L \right) + (k + \varepsilon V^2) b_k h \left[\left(e + \frac{n-1}{2} L + \frac{\rho_{xz}}{\sin \psi_{xz}} \right) \operatorname{tg} \psi_{xz} - \frac{7}{6} H_1 + \frac{1}{12} b_0 \right] \right\} \right\} :$$



1-расм. Иш жараёнида плугга таъсир этувчи кучларнинг схемаси


$$\left\{ \frac{H_2 \sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} \left[\sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - X_B \right]}{(H_2 - Z_B) \sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - (H_3 + h - H_1) X_B} + \right. \\
 \left. + \left[e + (n-1)L \right] + \mu \left\{ H_1 + \frac{H_2 (H_3 + h - H_1) \left[\sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - X_B \right]}{(H_2 - Z_B) \sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - (H_3 + h - H_1) X_B} - h - 0,5D \right\} \right\}, \quad (3)$$

бунда n – плуг корпусларининг сони, dona; m_k – плугнинг битта корпусига тўғри келадиган массаси, kg; g – эркин тушиш тезланиши, m/s^2 ; k – тупроқнинг шудгорлашга солиштирма қаршилиги, Pa; ε – тортиш қаршилигига тезликнинг таъсирини ҳисобга олувчи коэффицент, Ns^2/m^4 ; V – плугнинг ҳаракат тезлиги, m/s ; b_k – плуг корпусининг қамраш кенглиги, m; h – ҳайдаш чуқурлиги, m; $\psi_{XZ} - R_{XZ}$ кучнинг горизонталга нисбатан йўналиш бурчаги, °; H_2 – плугнинг пастки ва юқориги осиш нуқталари орасидаги тик масофа, m; l_0 – трактор осиш механизми пастки тортқиларининг узунлиги, m; l – плугнинг пастки осиш нуқталари орасидаги кўндаланг масофа, m; c – трактор осиш механизми пастки бўйлама тортқиларининг кўзғалмас шарнирлари орасидаги кўндаланг масофа, m; H_3 – трактор таянч текислигидан у осиш механизми пастки тортқиларининг кўзғалмас шарнирлари $A(A_1)$ гача бўлган тик масофа, m; H_1 – плугнинг таянч текислигидан пастки осиш нуқталаригача бўлган тик масофа, m; X_B, Z_B – трактор осиш механизми пастки ва марказий тортқиларининг $A(A_1)$ ва B кўзғалмас шарнирлари орасидаги бўйлама ва тик масофалар, m; e – плугнинг пастки осиш нуқталаридан унинг биринчи корпуси лемехининг учигача бўлган бўйлама масофа, m; L – плугнинг корпуслари орасидаги бўйлама масофа, m; ρ_{XZ} – плугнинг ўрта (шартли ўрта) корпуси лемехининг учидан R_{XZ} кучнинг таъсир чизигигача бўлган масофа, m;

b_d – плуг дала тахталарининг кенглиги(баландлиги), м; μ – плуг таянч ғилдирагининг думаланиш коэффициенти; D – плуг таянч ғилдирагининг диаметри, м.

(3) ифодадан кўриниб турибдики, плуг таянч ғилдирагининг тупроққа тик босим кучи унинг жойлашган ўрни (l_N), диаметри (D), плугнинг оғирлиги (mg), у қўйилган нукта (l_G), плугга таъсир этувчи кучлар (R_{XZ} , F_X), уларнинг йўналишлари (ψ_{XZ}) ва қўйилган нукталари, плугнинг параметрлари (e , L), осиш қурилмасининг ва трактор осиш механизмининг ўлчам ва параметрлари (H_1 , H_2 , H_3 , l_σ , l , c , X_B , Z_B) ҳамда ҳайдаш чуқурлиги (h) га боғлиқ равишда ўзгаради. Аммо трактор осиш механизмининг ўлчам ва параметрлари ҳамда плуг осиш қурилмасининг пастки ва юқориги осиш нукталари орасидаги тик масофа (H_2) стандартлашганлиги ва трактор бўйича маълумлиги, плугнинг параметрлари ва оғирлиги асосан у белгиланган технологик жараёни ишончли ва сифатли бажариши, кам энергия ва материалхажмдорликка эга бўлиши шартларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинишини ҳисобга оладиган бўлсак, юқорида келтирилган шартлар ва демак, плугни белгиланган чуқурликка ботиб ишлаши ва шу чуқурликда бир текис юриши асосан унинг таянч текислигидан пастки осиш нукталаригача бўлган тик масофа H_1 ни ўзгартириш ҳисобига таъминланади.

$\mu = 0,2$; $n = 3$ dona,
 $m_k = 300$ kg/dona, $g = 9,81$ m/s²,
 $k = 0,65 \cdot 10^5$ Pa, $\varepsilon = 1500$ Ns²/m⁴,
 $V = 2$ m/s, $b_k = 0,45$ m, $h = 0,35$ m,
 $\psi_{XZ} = 12^\circ$; $e = 0,62$ m, $L = 1,0$ m,
 $\rho_{XZ} = 0,15$ m, $b_d = 0,2$ m, $D = 0,4$ m
 ҳамда 3-4 синфдаги ғилдиракли хайдов тракторлари учун $H_2 = 0,9$ m, $H_3 = 0,6$ m, $l_\sigma = 0,95$ m, $l = 1,04$ m, $c = 0,62$ m, $X_B = 0,3$ m, $Z_B = 0,56$ m қабул қилиниб, 2-расмда $Q_Z = f(H_1)$ боғланишининг графиги қурилди.



2-расм. Q_Z ни H_1 га боғлиқ равишда ўзгариш графиги

Унга Q_M нинг мақбул қийматларини (3,5-4,0 kN) қўйиб, 3-4 синфдаги ғилдиракли тракторлар билан агрегатландиган плуг белгиланган (35 см) чуқурликка ботиб ишлаши ва шу чуқурликда барқарор юриши учун унинг таянч текислигидан пастки осиш нукталаригача бўлган тик масофа 74,7-80,5 см оралиғида бўлиши лозимлигини аниқлаймиз.

(2) шарт бажарилганда плугнинг ҳақиқий ҳайдаш чуқурлигини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$h_x = h + h_0 = h + \left(\frac{9}{4B_m^2 q_0^2 D} \right)^{\frac{1}{3}} \left\{ n \left[m_k g + (k + \varepsilon V^2) b_k h t g \psi_{XZ} \right] \times \right.$$

$$\begin{aligned}
& \times \frac{H_2 \sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} \left[\sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - X_B \right]}{(H_2 - Z_B) \sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - (H_3 + h - H_1) X_B} \\
& - \frac{7}{6} (k + \varepsilon V^2) n b_k h \frac{H_2 (H_3 + h - H_1) \left[\sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - X_B \right]}{(H_2 - Z_B) \sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - (H_3 + h - H_1) X_B} + \\
& + n \left\{ m_k g \left(e + \frac{n-1}{2} L \right) + (k + \varepsilon V^2) b_k h \left[\left(e + \frac{n-1}{2} L + \frac{\rho_{xz}}{\sin \psi_{xz}} \right) \operatorname{tg} \psi_{xz} - \frac{7}{6} H_1 + \frac{1}{12} b_0 \right] \right\} : \\
& : \left\{ \frac{H_2 \sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} \left[\sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - X_B \right]}{(H_2 - Z_B) \sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - (H_3 + h - H_1) X_B} + \left[e + (n-1)L \right] + \right. \\
& \left. + \mu \left\{ H_1 + \frac{H_2 (H_3 + h - H_1) \left[\sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - X_B \right]}{(H_2 - Z_B) \sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - (H_3 + h - H_1) X_B} - h - 0,5D \right\} \right\}^{\frac{2}{3}}, \quad (4)
\end{aligned}$$

бунда h_0 – плуг таянч ғилдирагининг тупроққа ботиш чуқурлиги, м; B_m – плуг таянч ғилдираги тўғинининг кенлиги, м; q_0 – тупроқнинг статик хажмий эзилиш коэффициентини, N/m^3 .

(4) ифода хайдаш чуқурлиги ва унинг барқарорлигига тупроқнинг шудгорлашга солиштирма қаршилиги ҳамда агрегат ҳаракат тезлиги қай даражада таъсир кўрсатишини аниқлаш имконини беради.

$h = 0,35$ м, $B_m = 0,2$ м, $q_0 = 2 \cdot 10^7 \text{ N/m}^3$ қабул қилиниб ва $Q_z = f(H_1)$ ни қуришда қабул қилинган маълумотлар бўйича $H_1 = 0,65$ м (мавжуд плуглар учун) ва $H_1 = 0,80$ м (юқорида аниқланган қиймат) бўлганда (4) ифода бўйича хайдаш чуқурлигини тупроқнинг шудгорлашга солиштирма қаршилиги ва агрегатнинг ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариши ҳисобланди ва улар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, $H_1 = 0,65$ м бўлганда тупроқнинг солиштирма қаршилиги ва агрегат ҳаракат тезлигининг ортиши билан хайдаш чуқурлиги 0,36-1,52 см га камайган, $H_1 = 0,80$ м бўлганда эса 0,12-0,70 см га камайган, яъни 2-3 марта кичик бўлган.

Тупроқ физик-механик хоссалари ва агрегат ҳаракат тезлигининг хайдаш чуқурлигига салбий таъсирини камайтириш учун плугнинг бўйлама-тик текисликдаги оний айланиш маркази унга таъсир этувчи барча кучлар тенг таъсир этувчисининг таъсир чизиғи τ - τ да жойлашган бўлиши лозим (3-расм).

Чунки бунда барча кучларнинг плугнинг оний айланиш марказига нисбатан ҳосил қилган моментларининг йиғиндиси нолга тенг бўлади ва демак, тупроқ физик-механик хоссалари ҳамда тезликни ўзгариши хайдаш чуқурлигига таъсир кўрсатмайди.

$$Z_{\pi_2} = 0; \quad (6)$$

$$(H_2)'' = \left(e + \frac{n-1}{2}L + \frac{\rho_{XZ}}{\sin\psi_{XZ}} + \frac{b_0 \operatorname{ctg}\psi_{XZ}}{12} - \frac{7}{6}(H_3 + h) \operatorname{ctg}\psi_{XZ} \right) Z_B : \\ : \left[\sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2} - X_B + \left(e + \frac{n-1}{2}L + \frac{\rho_{XZ}}{\sin\psi_{XZ}} + \frac{b_0 \operatorname{ctg}\psi_{XZ}}{12} - \frac{7}{6}(H_3 + h) \operatorname{ctg}\psi_{XZ} \right) \right]. \quad (7)$$

$H_3, h, \psi_{XZ}, e, n, L, \rho_{XZ}, X_B, Z_B, l_0, l$ ва c ларнинг юқорида келтирилган қийматларини (5) ва (7) ифодаларга кўйиб, 3-4 синфдаги тракторлар билан агрегатланадиган плуглар учун $X_{\pi_2} = 279$ см ва $(H_2)'' = 74,8$ см бўлиши лозимлигини аниқлаймиз.

(1) ва (2) шарт бажарилганда ҳайдаш чуқурлигини ўзгариши асосан у таянч ғилдирагининг тупроққа ботиш чуқурлигини ўзгариши ҳисобига юз беради.

4-расмда келтирилган схемадан фойдаланиб Q_Z ни тупроқнинг физик-механик хоссалари ва таянч ғилдиракнинг параметрлари орқали ифодалаймиз, яъни


$$Q_Z = \frac{q_0 B_m D (1 + k_n V^2)}{4} \left(2\sqrt{Dh_0 - h_0^2} - (D - 2h_0) \arcsin \frac{2\sqrt{Dh_0 - h_0^2}}{D} \right). \quad (8)$$

$Q_Z = Q_M = 4,0$ кН, $q_0 = 2 \cdot 10^7$ Н/м³, агрегат ҳаракат тезлиги $V = 6$ ва 9 км/ҳ ва пропорционаллик коэффициенти $k_n = 0,08$ қабул қилиниб ва сонли ечим усули қўлланилиб, (8) ифода бўйича плуг таянч ғилдирагининг тупроққа ботиш чуқурлиги h_0 ни D нинг турли қийматларида B_m га боғлиқ равишда ўзгариш графиклари қурилди (5-расм). Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, ғилдирак тўғинининг кенглиги ва диаметри катталашган сари уни тупроққа ботиш чуқурлиги камайган.


Тезликнинг 6 км/ҳ дан 9 км/ҳ га ортиши ҳам таянч ғилдиракнинг тупроққа ботиш чуқурлигини камайтирган.

Мавжуд агротехника талаблари бўйича ҳайдаш чуқурлигининг белгилангандан четланиши 2 см дан ошмаслиги лозим. Бунинг учун 5-расмда келтирилган графиклар бўйича плуг таянч ғилдираги тўғинининг кенглиги 16 см дан, диаметри эса 30 см дан кам бўлмаслиги лозим.

Диссертациянинг «**Экспериментал тадқиқотлар усуллари ва натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқилган тажрибавий осма плуг осиш қурилмаси ва таянч ғилдирагининг параметрлари ҳамда



4-расм. Плуг таянч ғилдирагининг тупроққа ботиш чуқурлигини аниқлашга доир схема



а) б)
 1- $D = 30$ cm; 2- $D = 40$ cm; 3- $D = 50$ cm; 4- $D = 60$ cm;
 а, б-мос равишда ҳаракат тезлиги 6 ва 9 km/h

5-расм. Плуг таянч ғилдирагининг тупроққа ботиш чуқурлигини унинг диаметри ва тўғинининг кенглигига боғлиқ равишда ўзгариш графиклари

агрегат ҳаракат тезлигини унинг сифат ва энергетик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган бир ва кўп омилли экспериментал тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Ўтказилган бир омилли экспериментал тадқиқотларда 6-9 km/h ҳаракат тезликларида осма плугнинг белгиланган чуқурликка ботиши ва шу чуқурликда барқарор ҳаракатланиши учун унинг таянч текислигидан осини қурилмасининг пастки осини нуқталаригача бўлган тик масофа 80-85 см оралиғида, пастки ва юқори осини нуқталари орасидаги тик масофа 75-80 см оралиғида, таянч ғилдирагининг диаметри 40 см атрофида ва у тўғинининг кенглиги 20 см атрофида, плуг биринчи корпусининг лемеҳи учидан таянч ғилдиракнинг ўқигача бўлган бўйлама масофа камида 80 см бўлиши лозимлиги аниқланди.

Тажрибавий плуг таянч ғилдирагининг назарий ва бир омилли экспериментларда ўрганилган параметрларини ҳайдаш чуқурлиги ва унинг барқарорлигига биргаликдаги таъсирларини ўрганиш ҳамда уларнинг мақбул қийматларини аниқлаш мақсадида Хартли-3 режаси бўйича кўп омилли экспериментлар ўтказилди.

Бунда плугнинг ҳайдаш чуқурлиги ва унинг барқарорлигига таъсир этувчи омиллар сифатида таянч ғилдирак диаметри ва тўғинининг кенглиги ҳамда агрегатнинг ҳаракат тезлиги танлаб олинди.

Баҳолаш мезони сифатида ҳайдаш чуқурлиги ва унинг ўртача квадратик четланиши ҳамда тажрибавий плугнинг тортишга қаршилиги қабул қилинди.

Тажрибаларда олинган натижалар бўйича мезонларни адекват ифодаловчи ушбу регрессия тенгламалари олинди:

- ҳайдаш чуқурлиги бўйича, см

$$Y_1 = 34,053 - 1,027 X_1 - 1,746 X_2 - 0,87 X_3 + 0,705 X_1^2 - 0,69 X_1 X_2 + 0,735 X_2^2; \quad (10)$$

- ҳайдаш чуқурлигининг ўртача квадратик четланиши бўйича, см

$$Y_2 = 1,214 - 0,13 X_1 - 0,22 X_2 + 0,188 X_3 - 0,047 X_1^2 - 0,231 X_1 X_2 + 0,236 X_1 X_3 + 0,05 X_2^2 + 0,234 X_2 X_3 - 0,048 X_3^2; \quad (11)$$

- тажрибавий плугнинг тортишга қаршилиги бўйича, кN

$$Y_3 = 27,403 - 1,027 X_1 - 1,815 X_2 - 0,872 X_3 + 0,677 X_1^2 - 0,689 X_1 X_2 - 0,431 X_1 X_3 + 0,705 X_2^2 + 0,505 X_3^2. \quad (12)$$

Олинган регрессия тенгламалари таҳлилидан кўриниб турибдики, барча омиллар баҳолаш мезонларига сезирли таъсир кўрсатган.

Регрессия тенгламалари ҳайдаш чуқурлиги 35 см га тенг, унинг ўртача квадратик четланиши 2 см дан кичик ҳамда тажрибавий плугнинг тортишга қаршилиги минимал қийматга эга бўлишлиги шартларидан келиб чиқиб MS Excel ва Planex дастурлари бўйича биргаликда ечилди.

Олинган натижалар бўйича тажрибавий осма плуг 6-9 км/ҳ ҳаракат тезлигида кам энергия сарфлаган ҳолда белгиланган чуқурликка ботиб ишлаши ва шу чуқурликда барқарор ҳаракатланиши учун у таянч ғилдирагининг диаметри ва тўғинининг кенлиги мос равишда 34,66-42,18 см ва 18,72-25,23 см оралиғида бўлиши лозим.

Диссертациянинг «**Параметрлари асосланган осмиш қурилмаси ва таянч ғилдирак билан жиҳозланган осма плуг синовларининг натижалари ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари**» деб номланган бешинчи бобида ҳайдаш чуқурлиги барқарорлаштирилган осма плуг тажриба нухасининг қисқача техник тавсифи, дала синовлари натижалари ва унинг иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Синовларда ҳайдаш чуқурлиги барқарорлаштирилган осма плуг белгиланган технологик жараёни ишончли бажарди ва унинг иш кўрсаткичлари унга қўйилган талабларга тўлиқ мос келди.

Ўтказилган ҳисоблар шуни кўрсатдики, таклиф этилаётган ҳайдаш чуқурлиги барқарорлаштирилган осма плугни фойдаланишдан олинган йиллик иқтисодий самара 74 729 790 со‘м ни ташкил этади.

ХУЛОСА

«Осма плугларнинг ҳайдаш чуқурлигини барқарорлаштирадиган осмиш қурилмаси ва таянч ғилдирагининг параметрларини асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Осма плугларнинг ҳайдаш чуқурлиги ва унинг бир текислигини таъминлаш, бу кўрсаткичларга тупроқнинг физик-механик хоссалари ҳамда агрегат ҳаракат тезлигининг салбий таъсирини камайтириш масалалари бўйича ўтказилган тадқиқотларни ўрганиш шуни кўрсатдики, осма плугларнинг ҳайдаш чуқурлигини барқарорлаштириш уларнинг иш сифат кўрсаткичларини яхшилаш, демакки, қишлоқ хўжалиги экинларини бир текисда униб чиқиши, ривожланиши, бир вақтда пишиб етилиши, пировардида ҳосилдорликни ошириш имконини беради.

2. Осма плугларнинг таянч текислигидан осиш қурилмасининг пастки тақиш нуқталаригача бўлган тик масофани 74,7-80,5 см оралиғида бўлиши корпусларнинг белгиланган чуқурликка ботиб ишлаши ва шу чуқурликда барқарор юришини таъминлайди.

3. Осма плуг осиш қурилмасининг пастки ва юқори тақиш нуқталари орасидаги тик масофани 74,8 см ва пастки тақиш нуқталаридан унинг оний айланиш марказигача бўлган горизонтал масофа 279 см бўлиши плугларни ҳайдаш чуқурлиги ва унинг барқарорлигига тупроқнинг физик-механик хоссалари ва агрегат ҳаракат тезлигининг салбий таъсири камайтиради.

4. Осма плуг таянч ғилдирагининг диаметри 40 см атрофида, тўғинининг кенлиги 20 см атрофида бўлганда 3-4 синфдаги ғилдиракли тракторлар билан агрегатланадиган осма плугларнинг ҳайдаш чуқурлигини агротехника талаблари даражасида бўлади.

5. Осма плуг биринчи корпус лемехи учидан таянч ғилдиракнинг айланиш ўқиғача бўлган бўйлама масофа камида 80 см бўлганда унинг белгиланган чуқурликда барқарор ишлаши таъминланади.

6. 6-9 км/соат тезликлар оралиғида ҳаракатланаётган 3-4 синфдаги ғилдиракли тракторлар билан агрегатланадиган осма плуг таянч ғилдираги диаметрини 34,66-42,18 см, тўғини кенлигини 18,72-25,23 см оралиғида ўзгариши кам энергия сарфлаган ҳолда юқори иш сифатини таъминлайди.

7. Ишлаб чиқилган осиш қурилмаси ҳамда таянч ғилдираги билан жиҳозланган осма плугни қўллаш ҳайдаш чуқурлигини барқарорлаштириш эвазига йилига 74 729 790 со‘м миқдорида иқтисодий самара олиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ МЕХАНИЗАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

РАСУЛЖОНОВ АБДУРАХМОН РАВШАНБЕК УГЛИ

**ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ ОПОРНОГО КОЛЕСА И
НАВЕСНОГО УСТРОЙСТВА НАВЕСНЫХ ПЛУГОВ ДЛЯ
ОБЕСПЕЧЕНИЯ РАВНОМЕРНОСТИ ГЛУБИНЫ ВСПАШКИ**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире ведущее место занимает производство энерго-ресурсосберегающих и высокопроизводительных сельскохозяйственных машин для обработки почвы. Если учесть то, что «В настоящее время в мировом масштабе площадь земель, обрабатываемых для возделывания сельскохозяйственных культур, составляет 1,8 млрд. гектаров»¹, то создание энерго-ресурсосберегающих почвообрабатывающих машин с высоким качеством работы и производительностью, имеет большое значение. В этом направлении в зарубежных странах, включая США, Российскую Федерацию, Великобританию, Францию, Германию и Китай, достигнуты определенные результаты и уделяется большое внимание разработке плугов, обеспечивающих равномерную глубину вспашки.

В мире ведутся целенаправленные научно-исследовательские работы по разработке ресурсосберегающих технологий основной обработки почвы и технических средств для их осуществления. В том числе в этом направлении проведение научных исследований по разработке машин, осуществляющих качественную основную обработку почвы при меньших затратах энергии, а также обеспечивающих равномерность заданной глубины вспашки, и обоснованию параметров их рабочих органов, обеспечивающих ресурсосбережение в процессе взаимодействия с почвой, является актуальным.

В результате коренных реформ в сельском хозяйстве, глубоких структурных изменений в республике проводится значительная работа по созданию перспективных агротехнологий для получения высоких и качественных урожаев сельскохозяйственных культур, их модернизации, сбережению ресурсов, внедрению технических средств, обеспечивающих сохранение плодородия почвы и повышение производительности.

В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы намечены задачи, в том числе «...дальнейшее улучшение мелиорации орошаемых земель для модернизации и ускоренного развития сельского хозяйства, создание благоприятных условий для развития многоотраслевых хозяйств, обеспечение устойчивого и эффективного развития сельского хозяйства, оснащение необходимой сельскохозяйственной техникой, а также широкое использование высокопроизводительной сельскохозяйственной техники»². При решении этих задач важным является качественная обработка земель за счет разработки навесных плугов с равномерной глубиной вспашки.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-5853 от 23 октября 2019 года «Об утверждении

¹http://evdemosfera.narod.ru/issl/issl/ek_zemlia.html

²Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан»

стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», ПП-4410 от 31 июля 2019 года «О мерах по ускоренному развитию сельскохозяйственного машиностроения, государственной поддержке обеспечения аграрного сектора сельскохозяйственной техникой», ПП-4709 от 11 мая 2020 года «О дополнительных мерах по специализации регионов Республики на производстве сельскохозяйственной продукции», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Созданием и применением машин для основной обработки почвы, обоснованием их рациональных параметров и повышением показателей работы, а также по обеспечению равномерности хода плугов по глубине обработки за рубежом занимались В.В.Бледных, Б.В.Мушкатина, П.Н.Бурченко, М.Л.Гусяцкий, Э.В.Долматов, Л.Х.Ким, А.Б.Лурье, А.И.Любимов, П.Е.Никифоров, И.П.Макаров, И.Ф.Сергеев, А.А.Вильде и другие.

В этом направлении в нашей республике научно-исследовательские работы были проведены А.Тухтакузиевым, Ф.М.Маматовым, В.Н.Жидовиновым, К.Исаевым, Н.Мурадовым, Х.А.Равшановым, А.Хамракуловым, И.Г.Хайдаровым, М.Т.Мансуровым, Б.Ш.Гайбуллаевым, Р.Махмудовым и другими учеными.

Результаты этих исследований в определённой степени применяются на практике. Однако в этих исследованиях недостаточно изучено снижение отрицательного влияния изменчивости физико-механических свойств почвы и скорости движения агрегата на заглубление навесных плугов на заданную глубину и равномерность хода их на этой глубине.

